
КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Туман ҳокимлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда тумандаги секторлар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Тадбирни туман ҳокими А.Джурабаев очиб, йиғилганларни Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги билан муборакбод этди. Тантанали маросимда жиноят ишлари бўйича туман суди раиси А.Ҳабибуллаев сўзга чиқиб, конституциямизда белгилаб қўйилган қоидалар, уларнинг жамиятимиз ривожига, фуқароларимизнинг яшаш тарзида тутаётган ўрни ҳақида таъкидлаб ўтди. Шунингдек мамлакатимизнинг Бош Қомусида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва мажбуриятлари акс этган қоидаларга алоҳида тўхталиб, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини янада юксалтириш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари мунтазам ҳамкорликда фаолият олиб боришлари зарурлигига эътиборни қаратди. Туман маданият бўлими ходимлари ва “Райҳон” ашулла ва рақс халқ дастаси санъаткорларининг бадий чиқишлари тадбирга файз-тароват олиб кирди. Байрам тадбирлари таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Тошлоқ тумани ҳокимлигининг Ахборот хизмати.

2020-12-10 18:59:00